Турли экологик ҳудудларда парваришланган қоракўл қўзилари тери хусусиятларининг қиёсий таҳлили

Оқбоев Фарход Бердиевич мустақил изланувчи · **Кличев Зафар Сафарович** катта илмий ходим

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

uzkarakul30@mail.ru

DOI 10.66073/ReFocus-Conf/1610138

Иқтибос учун: Оқбоев Фарход Бердиевич, Кличев Зафар Сафарович. Турли экологик ҳудудларда парваришланган қоракўл қўзилари тери хусусиятларининг қиёсий таҳлили // Оролбўйи ҳудудида сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва шўрланишнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятига таъсирини мониторинг ва назорат қилиш учун иқлимга чидамли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Нукус, 2026. – Б. 520–521. – DOI: 10.66073/ReFocus-Conf/1610138

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятининг қумли чўл (Нишон тумани) ва адир (Ғузор тумани) ҳудудлари шароитида етиштирилган қора рангли қоракўл қўзилари тери юзасидаги расм аниқлиги, жойлашиш типи ва нави қиёсий таҳлил этилган. Тадқиқот натижаларига кўра, адир ҳудудида I навли терилар улуши (77,5%) чўл ҳудудига нисбатан 3,4% га юқори эканлиги аниқланди.

Калит сўзлар: қоракўл қўзилари, қумли чўл, адир ҳудуди, тери нави, расм аниқлиги.

Кириш

Республикамиз чўл яйлов чорвачилигининг асосини қоракўлчилик тармоғи ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 30-январдаги «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 15-сон фармонида ҳам «қоракўл зотининг генофондини сақлаш, такрор кўпайтириш ва такомиллаштириш, селекция-наслчилик режаларини амалиётга татбиқ этиш...» борасида аниқ вазифалар белгилаб берилганлиги соҳанинг мамлакатимизнинг чўл ва адир яйловларида янада ривожланиш истиқболларини белгилаб берди [1].

Бугунги кунда етиштириладиган қоракўл маҳсулотининг сифати ва жаҳон бозоридаги харидоргирлиги уларнинг ранги, тери юзасидаги гулларнинг (расмининг) аниқлиги, тури ҳамда навига бевосита боғлиқ. Ушбу кўрсаткичлар нафақат наслчилик тадбирлари, балки қоракўл зотли қўйлар боқиладиган табиий-иқлим ва яйлов шароитлари таъсирида ҳам маълум даражада ўзгаради. Мақолада қора рангли қоракўл қўйларини чўл ва адир зоналари шароитида етиштиришнинг тери сифатига таъсири қиёсий ўрганилган.

Қоракўл қўйларининг муҳим селекцион белгиларининг намоён бўлишида урчитиш ҳудудларига боғлиқ ҳолда ўзгарувчанликларни кузатиш билан уларнинг гул, ранг, ранг-баранглик, жун-тола сифати кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда улардан олинадиган авлодлар бўйича мустаҳкамланиш даражаларини ўрганиш йўналишларида соҳада кўплаб тадқиқотчилар ўз изланишларини олиб борганлар [2; 44 с., 5; 140 с].

Тадқиқотчилар томонидан илгари олиб борилган изланишларда турли рангдаги қоракўл териларида гул ўлчами кўрсаткичларининг намоён бўлиш натижалари ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган бўлиб, улар тери сифатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга [6; 38-43].

Ушбу мақолада қора рангли қоракўл қўйларини чўл (Нишон) ва адир (Ғузор) зоналари шароитида урчитилишининг қўзилар тери сифат кўрсаткичларига таъсири қиёсий ўрганилган.

Материал ва услублар. Тадқиқотлар Қашқадарё вилоятининг қумли чўл ҳудуди (Нишон тумани) ва адир ҳудудида (Ғузор тумани) олиб борилди. Тадқиқот учун жами 75 бош қора рангли қоракўл қўзилари танлаб олинди. Қўзиларнинг тери юзасидаги расм (гул) хусусиятлари ва нави [4; 29 б.] асосида, олинган маълумотларга биометрик ишлов бериш [3; 256 с.] усулида амалга оширилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар тизимлаштирилиб, қуйидаги жадвалда умумлаштирилди.

1-жадвал. Қоракўл терилар расмининг аниқлиги, типи ва сифати (n=75)

Урчитиш ҳудуди	Ранги	Тери юзасидаги расми,%					Нави,%	
		Аниқлиги		Расмининг жойлашиш типи			1	2
		Аниқ	Ноаниқ	РТ	РК	Аралаш		
Қумли чўл ҳудуди (Нишон)	Қора	69,7±5,31	30,3±5,31	11,6±3,70	32,6±5,41	55,8±5,73	74,1±5,06	20,9±4,69
Адир ҳудуди (Ғузор)	Қора	67,8±5,39	32,2±5,39	10,5±3,54	29,3±5,25	60,2±5,65	77,5±4,82	22,5±4,82

Қоракўл тери маҳсулотининг энг муҳим сифат кўрсаткичи бўлган навлилик даражаси бўйича адир ҳудуди (Ғузор) устунликка эга бўлиб, у ерда 1-навли терилар улуши **77**,5±4,82% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич Нишон тумани қумли чўл шароитидаги қўзиларга нисбатан 3,4% га юқоридир. Бунга адир ҳудудининг озуқа базаси бойроқ эканлиги ва она қўйларнинг тўлақонли озиқланиши эмбрионал даврда қўзи тери тўқимасининг яхши ривожланишига хизмат қилгани сабаб бўлган.

Тери юзасидаги расм аниқлиги бўйича эса қумли чўл ҳудуди қўзилари (69,7%) адир ҳудудидагига нисбатан бироз (1,9% га) юқори натижа қайд этган бўлиб, бу иссиқ ва қуруқ иқлим шароитига мослашувчанлик хусусияти билан изоҳланади. Расмининг жойлашиш типи бўйича ҳар икки ҳудудда ҳам «Аралаш» тип (мувофиқ равишда 55,8% ва 60,2%) етакчи ўринда туради. Бу эса хўжаликларда гул типларини янада бир хиллаштириш бўйича селекция ишларини давом эттириш заруратини кўрсатади.

Хулоса

Товарлик хусусиятлари бўйича адир ҳудуди (Ғузор) маҳсулдорлиги устун бўлиб, олий (1) навли терилар чиқиши 77,5% ни ташкил этди. Қоракўлчилик хўжаликларида наслчилик ишларини олиб боришда ҳудуднинг табиий-иқлим ва яйлов шароитларини ҳисобга олган ҳолда, чўл зоналарида расм аниқлигини, адир зоналарида эса тери навини янада яхшилашга қаратилган мақсадли селекция-жуфтлашларини қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 15 сон фармони.
2. Газиев А., Фазилов У.Т., Исмаилов М.Ш., Маматов Б.С. Селекционный резерв продуктивности каракульских овец. // Брошюра. Самарканд, 2017. 44 с.
3. Плохинский А. А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. 1969. 256 с.
4. Юсупов С. ва бошқ. «Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма» Тошкент-2015 й. 29 б.
5. Юсупов С.Ю., Газиев А., Фазилов У.Т., Базаров С. Генетические основы селекции и достижения в каракульском овцеводстве. //Монография. Самарканд, 2018. 140 с.
6. Шаптаков, Э. С., Газиев, А., Маматов, Б. С., Кличев, З. С. (2024). Турли рангдаги қоракўл териларида гул кенглиги ва узунлигининг стандарт кўрсаткичларини аниқлаш натижалари. Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences, 4(7), 38-43. doi: 10.5281/zenodo.12744594